ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 162 (10.467) / 2005 ЙИЛ 19 АВГУСТ

O'ZBEKISTON 14 INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ • МУСТАҚИЛЛИК

## ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ БОҒДАН РЕПОРТАЖ

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик айёмига саноқли кунлар қолди. Ушбу улуғ сананинг 14 йиллигини мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.**





Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15 июндаги «Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида қайд этилганидек, бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, аввало, ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Бу йил истиқлол байрамининг асосий тантаналари илк бор пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида ўтади. Шу муносабат билан улкан саҳна, металл конструкцияли минбар ва қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, ёритиш минораларидан иборат муҳташам мажмуа жорий йилнинг апрель-август ойларида реконструкция қилинди.

...Мажмуада мутахассисларнинг қўли-қўлига тегмайди: бир неча киши улкан сим ўрамларини, яп-янги асбоб-ускуналарни ташиб келтираётган бўлса, бошқалар кабель ётқизиш, ёритиш ва овоз кучайтириш ускуналарини ўрнатиш билан банд.

- Илгари ушбу мажмуада фақат Наврўз тантаналари нишонланган ва бу тадбирлар куннинг ёруғ қисмида ўтказилгани учун ёритиш ускуналари ўрнатишга эҳтиёж бўлмаган, - дейди «Махсуснур» ташкилоти бош муҳандиси Искандар Тошмуҳамедов. - Мустақиллик байрамига тайёргарлик доирасида томоша жойини ёритишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришга киришдик. Шу мақсадда янги ва илғор ёритиш ускуналаридан фойдаланяпмиз. Иллюминация эффектлари ўнта дастур бўйича ишлайди. Майдон узра 400 га яқин ёритиш ускуналари ўрнатилади.

Бундан ташқари, мажмуага кириш-чиқиш жойлари, Алишер Навоий ҳайкалига олиб борувчи йўлак четлари, ён-атрофдаги дарахтлар, буталарга ҳам иллюминация чироқлари осилади. Байрам куни ушбу мажмуа чароғонлиги ҳамюртларимиз ва азиз меҳмонлар кўнглига нур улашиб туриши тайин.

Бош овоз режиссёри Игорь Иосиснинг айтишича, майдонга машҳур хорижий компаниялардан бири - «Денкрайзер»нинг (Буюк Британия) замонавий овоз кучайтиргич ускуналари ўрнатилмоқда. Қарийб юзта улкан овоз кучайтиргич карнайлар томоша мажмуасининг ҳар бир секторига тенг миқдорда тақсимланади. Бу, аввало, байрам қутлови, алёр ва куй-қўшиқ оҳангларининг мажмуа бўйлаб бир меъёрда, текис таралишини таъминлайди. Қолаверса, мажмуа узра янграйдиган мусиқа наволарини тинглаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Жорий йилнинг 27 июлида мамлакатимиз раҳбари ушбу мажмуадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишиш чоғида мажмуа томошабинлар учун, улкан саҳна эса санъаткорларнинг чиқишларига қулай бўлишини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга муҳим тавсиялар берганди. Мажмуада ана шу кўрсатмалар асосида талай ишлар амалга оширилди. Улкан саҳна юзаси тахта билан қопланди, санъаткорларнинг эркин ҳаракатланишларига мослаб унинг теварагида зиналар ясалди. Қисқаси, мазкур муҳим оммавий тадбир кўнгилли ва хавфсиз ўтишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди.

...Саҳнада турли ижодий жамоалар вакиллари навбат билан машқ қилмоқда. Ҳар бир санъаткор ўз чиқишини маромига етказиб, назокат ва нафосат билан ижро этишга интилади.

Санъатимизнинг ана шу жонкуяр вакиллари, шунингдек, илгари пойтахтимизда ўтган асосий тантаналарда қатнашиб, бой тажриба тўплаган вилоятлардаги санъаткорларнинг жойларда ташкил этиладиган шодиёналарда фаол чиқишлари байрамнинг мамлакатимиз бўйлаб юксак савияда, мазмунли ва қизиқарли нишонланишини таъминлаши шубҳасиз.

Байрам муносабати билан истеъдодли шоирлар, бастакорлар, ижрочи санъаткорларнинг уйғун ва ҳамжиҳат ижодий фаолияти самараси ўлароқ, Истиқлолга бағишланган шеърлар яратилди, уларга куйлар басталанди, шу тариқа бир қанча янги қўшиқлар пайдо бўлди. Уларнинг энг саралари байрам дастурига киритилди.

Мустақиллик байрами катта тарихий-сиёсий аҳамиятга молик тадбирдир. Шунинг учун бу улуғ сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш борасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси жиддий иш олиб борди. Оммавий тадбирлар, бадиий дастур ва томошаларнинг маъно-мазмунига оид таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Байрам тадбирларининг ғоявий-бадиий концепцияси ишлаб чиқилди, шу асосда дастур ва сценарийлар яратилди.

Шу кеча-кундузда Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш штабида ҳам, асосий тантаналар ўтадиган мажмуада ҳам иш қизғин. Мингга яқин санъаткор байрам томошаси дастурининг бадиий қисмини элимизга манзур этиб тайёрлаш билан машғул.

- Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган даъвати байрам дастурининг бош ғояси сифатида барча чиқишларимизда ўз ифодасини топади, - дейди Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри Валижон Умаров. - Ҳар мисра шеър, ҳар бир куй, қўшиқ, рақс, саҳна томошалари маъно-мағзига мустақиллигимизнинг моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб ва тарихий йўли, эришган улкан марра ва ютуқлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини бадиий-фалсафий йўсинда сингдиришга интилмоқдамиз.

Байрам тантаналари дастурида жамиятимизнинг барча қатламларига мансуб кишиларнинг кайфияти, хоҳиш-истакларини инобатга олиш, бадиий чиқишлар ва ижроларни, саҳна безакларини шу мезон асосида танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, ушбу шодиёналар улуғ неъмат - Мустақилликнинг мамлакатимиз ҳар бир фуқароси, ҳар бир юртдошимиз тақдиридаги аҳамиятини очиб беришга хизмат қилмоғи лозим.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар .**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ширин шаҳри яқинидаги Нуробод қишлоғида 520 ўринли янги мактаб биноси ҳамда ҳар томонлама қулайликка эга бўлган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

**• Навоий вилоятидаги академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари сони 31 тага етди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Навоий шаҳрида компьютер технологиялари академик-лицейи ҳамда Қизилтепа туманида «Товоис» касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.**

**• Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежининг замонавий спорт манежида оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Самарқанддаги Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг 75 йиллиги нишонланди. Юбилейда «Чўл-яйлов чорвачилигини ривожлантириш муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди, наслли қўчқорлар ким ошди савдоси ташкил этилди.**

**• Қашқадарё вилоятида чет эл сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Хусусан, Ғузор туманида Буюк Британия билан ҳамкорликда ғаллани қайта ишлашга ихтисослашган Guzor Flour ҳамда Туркиядаги «Китсан санайи» компанияси билан ҳамкорликда пахта толасини қайта ишлайдиган қўшма корхоналар тузилди.**

### Жаҳонда

**• Россия ва Хитой Қуролли кучлари бош штаблари бошлиқлари Юрий Балуевский ва Лиан Гуанле бошланган Россия ва Хитойнинг ҳамкорликдаги «Тинчлик миссияси — 2005» машқлари учинчи мамлакатларга қарши йўналтирилган ҳарбий кучни ташкил этишга қаратилмаганлигини таъкидлашди.**

**• Сербия полицияси 2004 йилнинг март ойида Мадриддаги темир йўлдаги портлашларни ташкил этишда бош гумондор бўлган 22 ёшли марокашлик Абдел-Мажид Бушарни қўлга олди.**

**• Нигериядаги Жалинго дарёсида йўловчи пароминнинг чўкиб кетиши натижасида 102 киши ҳалок бўлди.**

**• Ойни тадқиқ қилиш бўйича Хитой мамлакати дастури раҳбари Луан-Эньцзенинг таъкидлашича Хитой Ойга ўзининг илк учувчисиз бошқариладиган сунъий йўлдошини 2007 йилда учиради.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **КЕЧА** Ҳамза туман ҳокимлигида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қатор Фармонлар ва Қарорнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган йиғилишда туман фаоллари, тадбиркорлар иштирок этишди.

• **ЭРТАГА** Собир Раҳимов туманидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман Кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида «Қарияларимизга меҳрибон бўлайлик» мавзуида ўтказиладиган маданий тадбир юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланади.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида туман фаоллари ва ёшлари иштирокида «Терроризм — тараққиёт кушандаси» мавзуида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **ЭРТАГА** Ат-Термизий маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Мирobод туман Кенгаши ҳамда туман «Оила» маркази ҳамкорликларида ташкил этилаётган «Уй бекаси» курси тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтади.

• **БУГУН** «Гуручариқ» маҳалласида ёшлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати «Истиқболимиз тимсоллари» деб номланди.

• **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгашида компьютер курси тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Мустақиллик мевалари*





# УЧТЕПА ТУМАНИ — ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**Учтепа тумани ҳудуди 2815 минг гектарни ташкил этади. Туманда 53 та маҳалла мавжуд. Аҳоли сони 227,4 минг кишидан иборат. Ҳозирги кунда туманда 14 та йирик саноат, 13 та транспорт ва 74 та қўшма корхоналар, 5 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 12 та ўрта махсус ўқув юртлари, 36 та мактаб, 53 та болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда.**






Мустақиллигимизнинг 14 йили давомида туманда қурилиш, саноат, тиббиёт соҳаларида катта янгиланишлар, ўзгаришлар амалга оширилди ва самарали ютуқларга эришилди. Юрт фаровонлиги, эл тинчлиги, хотиржамлиги жойларнинг обод ва саришталигига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, 2002 йилда туманда кенг миқёсдаги «Шайхонтоҳуртекстил» ўзбек-турк қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда ушбу корхонада 500 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланган. «Боғистон нон» корхонаси ҳам ҳозирда замонавий технологиялар билан жиҳозланиб, аҳолига сифатли нон маҳсулотлари етказиб бермоқда. 2004 йилда тумандаги иккита йирик корхонага чет эл инвесторлари жалб қилинди. Хусусан, «Фарҳодтекс», Ўзбекистон-Швейцария-Туркия қўшма корхонасига 16 миллион евро миқдорида инвестиция киритилди.

Шунингдек, тумандаги «Тошкентсут» акциядорлик жамиятининг акциялар пакети Россиянинг «Вимм Билл Дан» компанияси томонидан сотиб олиниб, 7,3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Истиқлол шарофати билан Учтепа туманида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, янги бинолар тикланиб, фойдаланишга топширилди. Туман ҳудудлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Кўчалар асфальтланиб, кенгайтирилди. Жумладан, таълим тизимида бунёдкорлик ишларига жиддий эътибор қаратилди. Уйғур кўчасида Тошкент қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи, С.Юсупов кўчасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг Солиқ коллежлари фаолиятини бошлади. Шунингдек, айни кунда умуммиллий мактаб дастури бўйича 62, 44, 296-мактаблар капитал таъмирдан чиқарилиб, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Ҳозирги кунда Саккокий кўчасида замонавий поликлиника биноси ва спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши давом эттирилмоқда. Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига тўёна сифатида туманнинг 13-мавзесида ҳам болалар спорт мажмуаси, «Бекобод» ва Хондамир маҳалла гузарлари ҳам фойдаланишга топширишга шай қилиб қўйилган.

Мазкур туманда 2004 йил давомида Ойдин Собирова, «Пахтакор», «Бекобод», Хондамир маҳаллаларида маҳалла идоралари қуриб битказилиб, фуқароларга хизмат кўрсатмоқда. «Давлатобод» маҳалласи ҳудудида 56-оилавий поликлиника филиали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2005 йилнинг биринчи ярмида Учтепа туманида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,8 миллиард сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 7,1 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мувофиқ равишда 115,14 фоизни ташкил этади. Туманнинг савдо айланмаси эса 22,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Учтепа туманида деярли ҳар бир соҳада ишлар самарали кечмоқда. Ва туман аҳли Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини меҳнатда янги зафарлар, жойларда аҳолига яратилган қулайликлар, янги иш жойлари билан кутиб олиш тараддудида.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**









*Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан*

## ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

**Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қутлуғ айём — Мустақиллик куни арафасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланди. Шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари, Ўзтелерадиокомпания, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этган мазкур танловнинг якуний босқичи бошланди.**

Одамлар қалбида олижаноб ва юксак туйғуларни уйғотишда мусиқанинг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мусиқа ва қўшиқ санъатини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, улуғвор санъат саройлари қурилмоқда, ижодий касб эгалари, шу жумладан ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Турли мусиқий фестивал ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Замонавий мусиқа санъати ривожини «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика кўрик-танловисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу тадбир туфайли янги номлар пайдо бўлмоқда, у болалар ва ўсмирлар мусиқа санъатини ривожлантириш учун ҳам маънавий-маърифий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Энг асосийси — ҳар йили қўшиқ байрами туфайли Ватанга муҳаббат, мустақиллик йилларида ҳақиқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этаётган халқни улуғловчи янги мусиқа асарлари туғилмоқда.

Қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ҳамда турли вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотларда ўтказилган танлов ғолиблари иштирок этмоқда.

Танловнинг финал босқичи ғолиблари 21 август куни Халқлар дўстлиги саройида ўтадиган гала-концертда қатнашади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

13.30 «Суд идет».
14.30 Сериал «Гражданин начальник».
16.25 «Кулагин и партнеры».
16.55 Сериал «Кармелита».
18.00 Сериал «Исцеление любовью».
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Смеяться разрешается». Юмор. программа.
21.40 Фильм «Мыс страха» (США).
23.40 Футбол. Суперкубок УЕФА. ЦСКА (Россия) - «Ливерпуль» (Англия).
2.00 «Дорожный патруль».
2.10 Комедия «15 августа» (Франция).
3.45 Сериал «Закон и порядок»
4.30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/ф «Гарфилд».
8.30 М/ф «Маска».
9.00 М/ф «Человек-паук».
9.30, 14.30 М/ф «Приключения пингвиненка Лоло».
10.00 Х/ф «Деловые люди».
11.45 Х/ф «Анна Каренина».
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Х/ф «Граф Монте-Кристо-2».
16.50 Х/ф «Крутые стволы».
19.00, 1.00 Телесериал «Ее звали Никита».
20.00 Телесериал «Третья смена».
21.00 Х/ф «Вход и выход».
23.00 Х/ф «Вампир в Бруклине».
2.00 Х/ф «Поэт».

### НТВ

5.00 «Сегодня утром»
7.55 Детектив «Усадьба»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 3.00 «Сегодня»
9.15 «Военное дело»
9.50 Ток-шоу «Принцип домино»
11.00 Программа «Вопрос... Еще вопрос».
12.35 «Для тебя»
13.30 Сериал «Звездочет»
14.35, 17.35 «Чрезвычайное происшествие»
15.20 Сериал «Возвращение Мухтара»
16.25 Сериал «Мангуст-2»
18.40 Боевик «Ближайший родственник» (США)
21.40 Сериал «Стервы, или Странности любви»
22.50 Остросюжетный фильм «Текиловый рассвет» (США)
1.10 Бильярд
1.35 «Кома: это правда»
2.10 Сериал «За гранью возможного-IV»
3.10 Сериал «Однажды в Калифорнии»
4.00 Сериал «Первый понедельник»

### СТС

7.00 Комедия «Полицейская академия».
7.50 «Смешарики». Мультсериал.
8.00 «Веселые мелодии». Мультсериал.
8.30, 19.25, 00.40 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Я не вернусь». Сериал.
10.00, 20.30, 00.10 Истории в деталях.
10.30 «Дорогая Маша Березина». Сериал.
11.30 Х/ф «Расплавленные».
13.40 «Том и Джерри. Комедийное шоу». Мультсериал.
14.00 Комедия «Новая семейка Аддамс».
14.30 «Весельчак Кенди и его отряд». Мультсериал.
15.00 «Деннис-непоседа». Мультсериал.
15.30 «Оливер Твист». Мультсериал.
16.00 Х/ф «Рыжая Соня».
18.00 Комедия «Чудеса науки».
18.30 «Зачарованные». Сериал.
22.00 Х/ф «Двое: я и моя тень».
1.15 Х/ф «Побег невозможен».
3.30 Х/ф «Как важно быть серьезным».
4.50 Х/ф «К2. Максимальная высота».

## ШАНБА, 27

### «Ўзбекистон»

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Сув ости тадқиқотлари». Ҳужжатли телесериал.
9.40 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.00 «Ўзбекистон – Ватаним маним». Қўшиқ байрами. 1-қисм.
10.40 «Буюк Амир Темур». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
11.05 ТВ анонс.
11.10 «Ўзбекистон – Ватаним маним». Қўшиқ байрами. 2-қисм.
11.50 «Оналар мактаби».
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Бизнен мирас». 2. «Истоки».
«Болалар сайёраси»:
12.45 «Олтин тож».
13.20 «Ҳеч ҳам қўркмаймиз». Мульттўплам.
13.50 «Оҳанглар оғушида».
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Жаҳон цирки». Франция.
15.40 Спорт янгиликлари.
15.55 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
17.00 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «Танаффус». Мультфильм.
17.25 «Бизнес ҳафта».
17.35 «Жаранглагин, Шарқ таронаси!»
17.55 «Оддий ҳақиқатлар».
18.35 «Буюк Амир Темур». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
19.05 ТВ анонс.
19.10 «Ёшлик наволари».
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 «Ҳаёт давом этади».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
22.35 «Киноафиша».
22.55 «Шерюрак». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.50 Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
9.05 «Эсмеральда». Телесериал.
9.35 Табобат оламида.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Мен 14 ёшдаман.
11.05 Давр А.
11.30, 19.35, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
11.35 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
11.55 Менимча.
12.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ёз нафаси».
12.55 «Кино SMS» танлови.
13.00 Давр.
13.10 «Икки соҳил». Бадиий фильм.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.15 Замондошларим.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
17.00 «Кузя учун уй». Мультфильм.
17.20 Бола тилидан.
17.50 «Кино SMS» танлови.
17.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Мен 14 ёшдаман.
19.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан. Замондошларим.
20.05 Сув-ҳаёт манбаи.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Менимча.
20.25 Кутилмаган меҳмон.
20.50 «Кино SMS» танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгуч.
23.00 «Бахт қуши». Бадиий фильм.
0.20-0.25 Хайрли тун!

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 Экран детям. «Азиз».
17.40 «Незабываемые места Франции». Док. фильм.
18.30, 20.00, 22.00, 23.20 Информационная программа «Пойтахт».
18.50 «Шунака гаплар». Хажвий курсатув.
19.10, 21.00 Телегазета «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.20 12 Интернациональный цирк «Масси». 1-часть.
21.20 «Пойте снами».
22.20 12 Интернациональный цирк «Масси». 2-часть.
23.00 «Ёшлар даврасида».
23.40 Кинооко: «Легенда о любви». 1-серия.
00.45-00.50 Спокойной ночи, город !

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (На русском языке)
9.00-9.45 «В поисках приключений».
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (На русском языке)
17.15 «Детский спорт».
17.35 «Нокаут».
18.05 «Спорт – моя жизнь».
18.20 «Стать ближе».
19.00 «Шарк тароналари». Торжественное открытие Международного фестиваля.
20.30 «Вести».
21.00 «Новости».
21.15 14-ой годовщине Независимости посвящается: «Спортивные шаги».
21.40 Тяжелая атлетика.
22.40 Футбол. Чемпионат Узбекистана. «Пахтакор» - «Нефтчи».
23.30 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Телехамкор»
9.20 «Детский час», мультсериал
9.50 Фильм детям: «Красный петух Политрок», сказка
11.10 «Ошикона»
11.55 Звезды ринга на «30-м»: лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса
12.40 «Некуда бежать», остросюжетный фильм
14.30 Сериал по выходным. «Против течения»
15.30 «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 «Детский час», мультсериал
16.45 «Телехамкор»
17.05 «Болалар соати»
17.25 «Суюнчи», бадий фильм
19.00 «Ошикона»
19.45 «Телехамкор»
20.00 «Хит-парад плюс»
21.00 «Устаси фаранглар», художественный фильм, 1-серия (Индия)
22.35 «Устаси фаранглар», художественный фильм, 2-серия (Индия)

### ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 Приключенческий фильм «Еще один парень-каратист»
7.10 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.10 Комедия «Неподдающиеся»
10.40 «Ералаш»
11.10 История с географией. «Проклятье фараонов»
12.20 Дисней-клуб: «Кряк-бригада»
12.50 «Григорий Распутин. Ловушка для антихриста»
13.50 «Пестрая лента». Николай Крючков
14.50 «КВН-2005». Премьер-лига. Второй четвертьфинал
16.40 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса.
17.10 Ко Дню российского кино
17.30 Фильм «Таежный роман»
20.00 Время
20.20 Боевик «Скала»
22.50 Приключенческий фильм «Противостояние»
00.30 Приключенческий фильм «Банда Келли»
2.30 Фильм «Мечты»
4.10 Искатели. «Демидовские миллионы»

### Россия

5.00 «Доброе утро, Россия !».
6.40 «Золотой ключ».
7.00, 10.00, 13.00, 19.00 Вести.
7.10, 10.10 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Русское лото».
7.55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8.20 «Вокруг света».
8.50 «Субботник».
9.30 «Утренняя почта».
10.20 «Сто к одному». Телеигра.
11.15 «В поисках приключений».
12.10 «Комната смеха».
13.20 Фильм «Холодное лето пятьдесят третьего...».
15.00 «Московской оперетте - 75 лет!»
17.00, 20.10 «Очень смешная премьера. Юбилей Лиона Измайлова».
19.25 «Зеркало».
19.40 «Честный детектив».
21.35 Остросюжетный фильм «Анаконда» (США-Бразилия).
23.20 Романтическая комедия «Дневник Бриджит Джонс» (США).
1.20 «Горячая десятка».
2.20 Фильм «Дикарь» (Франция-Италия).
4.20 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 М/ф «Пастушка и трубочист».
8.00, 14.30 М/ф «Кошкин дом».
8.30 М/ф «Маска».
9.00 М/ф «Человек-паук».
9.30 М/ф «Черепашки-ниндзя: новые приключения».
10.00 Х/ф «Космический лагерь».
12.00 Х/ф «Беглецы».
14.00 Иди и смотри.
14.15 М/ф «Новогодняя сказка».
15.00 Х/ф «Крокодил Данди».
17.00 Х/ф «Мошенники».
19.00 «Голливуд On-Set».
19.30, 20.00, 1.00 «Осторожно, модерн!»
20.30, 1.30 Телесериал «Откройте, милиция».
21.00 Х/ф «Кикбоксер-5: возмездие».
22.50 Х/ф «Оборотень».
2.00 Х/ф «Любовник».

### НТВ

4.50 Боевик «Ближайший родственник» (США)
6.35 Детское утро на НТВ.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 Детектив «Полицейский Кэттс и его собака»
8.25 «Дикий мир»
9.15 «Растительная жизнь»
9.55 «Кулинарный поединок».
10.55 «Квартирный вопрос»
12.20 «Особо опасен!»
12.55 «Своя игра»
13.55 Остросюжетный сериал «Кодекс чести»
15.15 «Женский взгляд»
15.55 Чемпионат России по футболу. «Спартак» - «Алания».
18.40 Профессия - репортер.
19.10 Боевик «Плохие парни» (США)
21.40 Сериал «Стервы, или Странности любви»
22.50 «Мировой бокс. Ночь нокаутов»
23.30 Фильм «Танцы в «Голубой игуане» (США)
1.50 Фильм «Ключевое действие»
3.10 Фильм «Когда стихают трубы» (США)

### СТС

7.00 «Что я делала этим летом». Х/ф.
8.20 «Баранкин, будь человеком!» Мультфильм.
8.50 «Табалуга». Мультсериал.
9.20 «Смешарики». Мультсериал.
9.30 «Гора фреглов». Мультсериал.
10.00 «Полундра!» Телеигра.
10.30 «Питер Пэн и пираты». Мультсериал.
11.00 «Том и Джерри. Комедийное шоу». Мультсериал.
11.10 Х/ф «Бегать на воле».
13.00 «Серебряная калоша-2004». 8-я Церемония награждения за самые сомнительные достижения в области шоу-бизнеса.
15.00 «Кино в деталях».
16.00 Фильмы производства ВВС. «Погода».
17.00 Истории в деталях. Спецвыпуск.
17.30 «Улицы разбитых фонарей. Менты-4». Сериал.
18.40 Х/ф «Двое: я и моя тень».
20.50 Комедия «Моя прекрасная няня». 2 серии.
22.00 Х/ф «Вечно молодой».
00.10 «Хорошие шутки». Концерт.
2.10 Х/ф «Полководец».
4.20 Х/ф «Калейдоскоп ужасов».

## ЯКШАНБА, 28

### «Ўзбекистон»

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани:
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.10 «Буюк Амир Темур». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
11.40 «Бу турфа олам».
12.10 «Дўстлик» тележурнали: 1.«Ҳамкорлик ришталари». 2. «Дидар».
12.40». Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
14.10 «Ҳаёт давом этади».
14.30 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
15.30 «Киноафиша».
15.50 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
17.20 «Олтин тож».
18.00 ТВ анонс.
18.05 «Одами эрсанг...».
18.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет».
18.30 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.55 «Буюк Амир Темур». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Шарқ тароналари» фестиваль кундалиги
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 ТВ анонс.
21.20 «Меҳр кўзда». Сурхондарёда.
22.10 «Айтишув».
23.00 «Шерюрак». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.50Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55, 19.30 ТВ - анонс.
9.00 Болалар экрани: «Яшил водий сари».
10.00 Мен 14 ёшдаман.
10.05 Кулгуч.
10.15 Саломатлик сирлари.
10.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.25 Ёшлик наволари.
11.35 «Кино SMS» танлови.
11.40 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.25 Менимча.
12.30 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
13.20 Кинотақдим.
13.40 «Кино SMS» танлови.
13.45 «Тоғлик куёв». Бадиий фильм.
15.15 Мен 14 ёшдаман.
15.20 Чемпион сирлари.
15.40 Ринг қироллари.
16.30 Менимча.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси. Уй вазифаси.
17.00 Спорт маликаси.
17.10 Мен 14 ёшдаман.
17.15 «Эрамиздан аввалги дунё». Илмий-оммабоп фильм. 6-қисм.
17.40 Хуш келибсиз!
18.00 «Кино SMS» танлови.
18.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
19.40 Дилноза Исмияминова куйлайди.
20.00, 20.50 Эълонлар.
20.05 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
20.55 Спорт антологияси.
21.00 «Кино SMS» якуни. Бадиий фильм.
23.15-23.20 Хайрли тун!

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 «Волшебный мир сказок».
19.15 «Миттивойлар мактаби».
19.40, 21.30 Телегазета «Экспресс».
20.0 «Пойтахт плюс».
20.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.50 «Нима учун?»
21.50 «Шахрисабз» телевизионный фильм.
22.10 «Всё о туризме».
22.40 «Ровесник».
23.10 «Джаконда». Документальный фильм.
24.00 Кинооко: «Легенда о любви». 2-серия.
1.05-00.10 Спокойной ночи, город !

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (На русском языке)
9.00 «Секреты здоровой пищи» (на английском языке)
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Веселые старты».
10.50-11.05 «Ваш соперник гроссмейстер».
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (На русском языке)
17.15 Е. Исинбаева: «Рекорды для моих поклонников».
17.45 «Проф-РИНГ».
18.35 «Мир авиации».
18.55 «Искусство боя восточных единоборств».
19.35 «Тайм аут».
20.00 «Вести недели».
21.00 «Новости».
21.15 «Спорт – моя жизнь».
21.30 Футбол. Чемпионат Узбекистана. «Трактор» - «Машъал».
22.20 Тяжелая атлетика.
23.20 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Телехамкор»
9.20 «Детский час»
9.40 «Юлдузлар табриги»
10.10 Документальный сериал
11.00 «Телехамкор»
11.15 Документальный сериал на узбекском языке
12.00 «Цирк приехал», приключения
13.30 «Хит-парад плюс», повтор передачи
14.30 Сериал по выходным. «Против течения»
15.30 «Спорт-экстрим»
16.00 «Детский час», мультсериал
16.25 «Хикоя», познавательная передача
16.45 «Телехамкор»
17.05 «Болалар соати»
17.25 Анонсы
17.30 «В мире животных»
18.00 «Гиннесс рекордлари»
18.30 «Концерт»
19.00 «Телехамкор»
19.15 «Ошикона»
20.00 «Мультфильмы»
20.20 «Мусикий табассум»
21.00 «Мистер Бин», комедия
23.00 Программа передач

### ОРТ

5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмор.программа
5.30 Приключенческий фильм «Деревенские медведи»
7.10 Армейский магазин
7.40 Дисней-клуб: «С добрым утром, Микки!»
8.10 «В мире животных»
9.10 «Непутевые заметки» с Д.Крыловым
9.30 Пока все дома
10.10 Дог-шоу
11.10 Живой мир. «Баллада о Большом Але»
12.20 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
12.50 «Григорий Распутин. Чисто русское убийство»
13.50 Праздничный концерт
15.30 Комедия «Миссис Даутфайр»
17.50 Воскресный «Ералаш»
18.20 Приключенческий фильм «Остаться в живых».
20.00 Время.
20.45 Комедия «Стой, а то мама будет стрелять!»
22.20 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Николай Валуев - Клиффорд Этьен
22.50 Суперчеловек. «Лабиринты мозга».
23.50 Сериал «Секретные материалы» («X-files»).
00.40 Фильм «Джулия»
2.50 Музыкальная премия «Билборд - 2004 год»

### Россия

5.00 «Доброе утро, Россия !».
6.20 «Сельский час».
6.45 «ТВ Бинго шоу».
7.00, 10.00, 13.00, 16.00 Вести.
7.10, 10.10 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 Детектив «Пуаро Агаты Кристи. Печальный кипарис» (Великобритания).
10.20 «Городок». Дайджест.
10.55 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Екатерина Фурцева. Женская доля».
13.20 «Фитиль №52».
14.10, 16.10 Фильм «Коммандос» (Индия)
17.10 «Веселый вечер «Аншлага».
19.00 «Вести недели с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Остросюжетный фильм «Львиная доля».
22.30 Боевик «Во имя мести» (США).
00.20 Триллер «Метод» (США).
2.15 Детектив «Прочная сеть-2»
3.05 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 М/ф «Сказка о золотом петушке».
8.30 М/ф «Золоченые лбы».
9.00 М/ф «Вовка в тридевятом царстве».
9.30 М/ф «Как грибы с горохом воевали».
9.45 М/ф «Волшебное кольцо».
10.00 Х/ф «Беги, пума, беги».
12.00 Х/ф «Вход и выход».
14.00, 19.30, 20.00, 1.00 «Осторожно, модерн!»
14.30 Окно в мир.
15.00 Х/ф «Крокодил Данди-2».
17.10 Х/ф «Кикбоксер-5: возмездие».
19.00 «Голливуд On-Set».
20.30, 1.30 Телесериал «Откройте, милиция».
21.00 Х/ф «Шуб-баба Люба».
22.50 Х/ф «Крутые: дело №1. Смертельное щоу».
2.00 Х/ф «Оборотень».

### НТВ

4.50 Фильм «Сказ про то, как царь Петр арапа женил»
6.30 Детское утро на НТВ.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 Детектив «Полицейский Кэттс и его собака»
7.40 «Их нравы»
8.25 «Едим дома!»
9.20 «Чрезвычайное происшествие»
9.50 «TOP GEAR».
10.30 Фильм «Экипаж машины боевой»
12.20 «Военное дело»
12.55 Комедия «Из джунглей в джунгли» (США)
15.15 «Тайны разведки».
15.55 «Своя игра»
16.55 Остросюжетный сериал «Кодекс чести»
18.40 «Чистосердечное признание».
19.10 Боевик «Огненный дождь» (США)
21.45 Сериал «Стервы, или Странности любви»
00.05 Боевик «Грязная дюжина» (США-Великобритания)
3.15 Фильм «Молодой в душе» (США)

### СТС

7.00 «Скуби Ду и легенда о вампире». Мультфильм.
8.15 «Миллион в мешке». Мультфильм.
8.50 «Табалуга». Мультсериал.
9.20 «Смешарики». Мультсериал.
9.30 «Гора фреглов». Мультсериал.
10.00 «Шоу Тома и Джерри». Мультсериал.
10.30 «Питер Пэн и пираты». Мультсериал.
10.55 Х/ф «Вечно молодой».
13.00 «Жизнь прекрасна». Муз.ток-шоу.
15.00 «Снимите это немедленно».
16.00 Фильм «Живое море».
17.00 Истории в деталях. Спецвыпуск.
17.30 Комедия «Моя прекрасная няня».
18.00 «Виола Тараканова. В мире преступных страстей». Сериал.
22.00 Х/ф «Призрачная команда».
24.00 «Осторожно, Задов! Или похождения прапорщика».
1.00 Х/ф «Монстр».
3.15 Х/ф «Билокси-блюз».
5.00 «Рисующий Кондо». Док.фильм.




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов

# КИЧИК ҲАЖВИЯЛАР

## ҚАРМОҚ

Шанба куни балиқ овига кетаётган Тўхтасинга йўлда жазирама иссиқда майкасимон кўйлак кийиб олиб, орқа белигача ҳамда кўкрагининг ярмигача очиб юрган уч қизалоқ дуч келди.

— Қизлар, бу аҳволда қаёққа бормоқчисизлар?- сўради у оҳиста.

— Амаки, янги чўмиладиган ҳовуз-бассейн очилибди, ўшанга.

— Демак, замонавий ҳаммомга экан-да.

— Йўқ, ҳаммом деманг, шундай иссикда ҳаммомга бало борми?— деди қизлардан бири.

— Ўша бассейн деганда балиқ кўпми, мен балиқ овига бормоқчи эдим. Яқинроқ бўлса сизлар билан бирга бораколай дегандимда,-ўсмоқчилаб гапирди Тўхтасин.

— Бассейнда балиқ бўлмайди, амаки,-деб кулди бошқа бир қиз.

— Балиқ ўзимиз амаки,-дея кулди учинчиси, масхара қилгансимон.

— Энди билдим, демак, бассейнга каттароқ қармоқ билан бориш керак экан-да,— дея киноя қилди Тўхтасин ва бурилиб йўлига кетди.

— Жуда тили сассиқ одам экан, ўзингни бил, — деди қизлардан бири лабини буриб.

— Аччиғланма,— деди унга шериги,— бассейнни билмайдиган маданиятсиз балиқчига ўхшайди ўзи. Ё бизга қармоқ ташламоқчи бўлдимикан?

## КУТУБХОНАЧИГА ЖАВОБ

Кўча чеккасидаги йўлакда шошилиб кетаётган кутубхоначи аёл ҳаммаҳалла ёзувчини учратиб, унга савол назари билан деди:

— Домла, ҳамма кутубхонамизга келиб, китоблардан олиб кетиб ўқишади. Аммо сиз бирор марта ҳам келмадингиз, ё китоб ўқишни ёқтирмайсизми?

— Э, синглим, боришга қўлим тегмайди. Мен китоб ўқишдан кўра кўпроқ китоб ёзишим керак, энди тушунгандирсиз.

—Ёзаверинг, ёзаверинг,- дея кутубхоначи зарда аралаш гапирди, — асарингизни китобхонлар ўқиса, ўқимаса ҳам ёзаверинг, - дея аёл кутубхона томонга бурилиб кетди.

— Ёзавераман, ҳеч ким ўқимаса ҳам китоб жавонларини тўлдириб турадику,—деди ёзувчи кутубхоначи аёлнинг кетидан дудуқланиб.

**Олим БЕКОВ**

*Ҳангомалар*

## ЎҒРИ УРДИМИ Ё...

Шошқалоқлик ёмон одат. Роҳила хола шу одати туфайли кўп марта панд еган. Бир куни эри Ортиқ ака ҳовлида ким биландир гаплашдию сўнг уйга кириб «Насимбойни ўғри урибди», деди. Бу гап холанинг қулоғига «Насимбойнинг ўғли ўлибди» деб эшитилди. У қолганини суриштириб ҳам ўтирмай югуриб қўшни аёлникига чиқди. «Вой бечора Насим амакининг ёлғизгина ўғли қазо қилибди, тезгина бориб кўнгил сўраб келайлик» деди. Икки аёл йўл-йўлакай бу «хунук» хабарни ҳаммага бир-бир айтиб қишлоқ чеккасидаги Насим амакиникига кириб боришди. Амакининг хотини ҳовлида кир ювиб ўтирган экан. Ие, ҳали онасига ҳам айтишмабди шекилли, деб пичирлашибди аёллар. Роҳила хола аёлнинг ёнига бориб «Сабрли бўлинг айланай, ўлим ҳақ» деб елкасига қоқибди. «Ким ўлибди?» дея аёл ирғиб ўрнидан туради. Шу пайт дарвоза очилиб Насим амакининг ёлғиз ўғли Умиджон кириб келади:

- Болалар ҳазиллашиб дўконимизнинг деворини тешишибди, айтарли ҳеч нарса олишмаган,-дейди у онасининг ранги оқариб кетганини ўзича тушуниб.

Икки қўшни аёллар эса шошқалоқлик қилганларидан хижолат бўлиб шоша-пиша уйларига жўнаб қолишибди.

## АЁЛНИ «ЖИЛОВЛАШ» УСУЛИ

Сарқипчоқ қишлоғидаги Андақул аканинг хотини турмуш ўртоғини жуда иззат қилар, аёли учун эрининг гапи гап, сўзи сўз эди. Уларнинг турмушига ҳавас қилган Облоқул ака бир куни уни йўлда тўхтатади:

— Жўра, хотининг сенинг ҳурматингни жойига қўяди. Менинг аёлимга эса гап уқтириб бўлмайди. Нуқул ўзиникини маъқуллагани-маъқуллаган, аёлни жиловлаб олишнинг йўлини менгаям ўргат.

Шунда Андақул ака гапириб беради.

— Тўй кечаси келин билан ёлғиз ўтирганимизда янгам менинг ишорам билан бир мушукни эшикдан киритиб юборди. Мен ҳалиги мушукнинг бўйнидан қаттиқ қисдимда, деразадан ташқарига улоқтирдим.

Мушукнинг аҳволини кўриб хотиним «вой» деб юборди. У ўшандан бери мендан қўрқади.

Облоқул ака дўстининг тадбирини ўзича қўлламоқчи бўлади.У хотини билан ўтирганида пайт пойлаб қўйнидан бир мушукни чиқаради. Сўнг уни бўйнидан ушлаб ташқарига қараб отади. Хотини буни кўриб, масхараомуз кулади ва «Келиб-келиб кучингиз шу мушукка етдими? Сатқаи эркак кетинг-е»-дейди.

— Хотинимни энди йўлга солиб бўлмас экан,— дея нолибди у эртасига.

— Э, биродар, болани ёшдан, хотинни бошдан маҳкам ушлаш керак.— дебди унга жавобан Андақул ака.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

**«Эгилганда белларингиз букилмасин».**
(Жисмоний тарбия ўқитувчисининг дегани).

**«Аччиғингиз қанақа?»**
(Харидорнинг сотувчига мурожаати).

**«Ўлганлар қимирламай ётсин».**
(Режиссёрнинг буйруғи).

**«Кўлтиғингиздан кесиб ёнингизга уласак, шунда тўғри бўлади».**
(Тикувчининг гапи).

**«Беш хил тилни билсам-да, қайнонамнинг тилига ҳеч тушунмайманда».**
(Ношуд келиннинг ҳасратидан).

**«Мени «Россияга» ташлаб, шеригимни «Қозоғистон»га элтиб қўясиз».**
(Йўловчининг такси ҳайдовчисига дегани)

**«Оёғингни қўлингга олиб, тез югур...**
(Отанинг ўғлига дегани).

## ЛОФЛАР

Уйқучи лофчи деди:

— Санэпидстанцияда ишлайдиган танишингга айтиб қўй, пашшаларни қирадиган доридан сепиб кетишсин, уларнинг дастидан ҳеч ухлаб бўлмаяпти.

— Сен яхшиси шу гапларингни қоғозга туширгинда, пашшанинг оёғига боғлаб учириб юбор, тегишли жойга элтиб беради,— маслаҳат берди ялқов лофчи.

***

Икки лофчи аёл суҳбатлашиб қолишди.

— Менинг қизим ақлли ва чиройли йигитга турмушга чиқди, — мақтанди улардан бири.

— Менинг қизим қандай бадавлат одамлардан алимент олаётганини эшитсанг, юрагинг тарс ёрилиб кетади, —деди иккинчиси бўш келмай.

***

— Эрим мени тиллоларга кўмиб ташлаган, деб мақтанди лофчи аёл.

— Менинг эрим бўлса кўмиб ташлаган тиллолари ичидан мени ажратолмай қийналяпти, — деди унга жавобан дугонаси.

## *ХАНДАЛАР*

— Бобонгга айт, мактабга бир келиб кетсинлар,— деди ўқитувчи ўқувчига.

— Хўп айтаман, аммо нега бобомни чақираяпсиз?

— Даданг билан бир гаплашиб қўйсинлар, демоқчиман. Кейинги вақтда иншоингда хатолар кўпайиб кетди.

***

— Болакай, сенда бир сўм бор. Онанг яна қўлингга бир сўм тутқазди. Қанча бўлади?

— Бир сўм.

— Сен арифметикани билмас экансан.

— Э, сиз онамни билмас экансиз.

***

— Доктор, негадир бошим айланаяпти.

— Дихлофос ичганмидингиз?

— Ичдим, лекин ёрдам бермаяпти.

***

Пиёниста шеригига арз қиляпти.

— Хотинимдан куйдим. Уйга келдим дегунча «кухла» дейверади.

— Сен кучинг борича кухла.

— Унда нима бўлади?

— Хотининг йиқилиб тушади.

## ТАРОҚ МОЖАРОСИ

Салимжон гўдаклигиданоқ уруш-жанжал деса бир ҳуркиб тушадиганлардан эди. Юввошликда қўй ҳам ундан бир чақирим ортда қолиб кетади. Биров билан сал баҳслашса, жанжал чиқмасин, деб дарров бир оғиз гапдан қолиш унинг шиори. У уйландию, боши ғалвадан чиқмай қолди. Ҳамма айб ўзида, хотинини бўш қўйганидан-да, бўлмаса хотин киши дегани эрининг тароғига тегиб нима қилади-а?

Салимжон тўйдан кейинги «асал ойи» кунларида Назокатхонга битта импортний тароқ совға қилувди. Янги келинчак автобусда ҳам, иш пайтида ҳам хаёли уйига қочадими, ҳар ҳафта,ҳар беш кунда тароқ йўқотиб келадиган одат чиқарди. Кейин ишга жўнаётиб Салимжоннинг стол устидаги тароғини олиб кета бошлади. Назокатхоннинг сочи қалингина эмасми, кечқурун бу тароқ ё тўртта тишидан айрилиб,кемтик бўлиб қайтарди, ё қайтмасди. Салимжон аввалига сир бой бермасдан янги тароқ олаверди.Лекин бир ой чидади, икки ой чидади, уч ой чидади, аҳвол ҳамон ўша-ўша. Келинпошшанинг паришонхотирлиги Салимжонга қимматга тушаверди. Кунлардан бир куни унинг сабр косаси тўлиб кетди:

— Хоним, бу қанақаси, мен ҳар куни тароқ олаверсам, сиз йўқотиб келаверсангиз?..

— Салимжон ака, сизнинг тароғингизни олмасам, кимникини оламан,ахир?- деди Назокатхон ноз билан эркаланиб.

Салимжон оғзида носи бор кишидек дудуқланиб, гап тополмай қолди. Шундан сўнг бу уйдан ҳар куни бўлмасаям, кунора эрталаб баланд овозда тахминан қуйидагича шакаргуфторлик эшитиладиган бўлди:

— Ахир кечагина опкелган тароғим бўлса, қўйинг жойига.

— Ҳа, мен тутсам нима бўбди?

— Ахир бу «мужской»ку?

— Ҳуқуқимиз тенг бўлгач, бошқа-бошқа тароқ тутиб нима қиламиз?

— Инсоф билан-да... Менинг ҳам сочим сизникидан кам эмас, кўча-кўйда тараб юриш керак, мажнунтол бўлиб кетдим-ку.

— Мен туфайли мажнун бўлсангиз бўпсиз-да. Хўп, Салимжон ака, шу охиргиси...

Салимжон дўпписини ерга қўйиб, бундоқ ўйлаб қараса, бу қисқа метражли жанжаллару «хўп-хўп»ларнинг охири кўринмайди. Ниҳоят у: «Эй хотин, ё мени дейсан, ё тароқни» деб масалани кўндаланг қўймоқчи бўлди-ю, шу арзимаган нарсанинг орқасидан катта жанжал чиқишини хоҳламай, яна жаҳлини ичига ютди. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят чорасини топди...

Хотини ишдан қайтганида Салимжон устарада қирдирилган яп-яланг бошини силаб ғолибона илжайиб турарди. Уни кўриб Назокатхоннинг ранги бўздек оқариб кетди. Салимжон эса:

— Ана энди, аравангни ўзинг торт, хотин,-деб кулиб қўйди.

**Абдулла АСОМИДДИНОВ**







Изоҳга ҳожат йўқ.
Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.





*Болалар спорти*

# КИЧКИНТОЙЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

**Чилонзор туманидаги 361-болалар боғчасида катта гуруҳдаги болалар, яъни 5-6 ёшли тарбияланувчилар ўртасида шаҳар миқёсида боғчалараро «Кичкинтой», «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус нормативлари бўйича қизиқарли спорт мусобақалари бўлиб ўтди.**

Унда шаҳримизнинг барча ўн битта туманидан юздан ортиқ чаққон, эпчил ва ғайратли болажонлар ёшларини ҳисобга олган ҳолда жуда мақбул танланган мокисимон югуриш, кичик тўпни нишонга улоқтириш, турган жойидан узунликка сакраш, гимнастика нарвонига чиқиб-тушиш, арқон тортиш каби жисмоний тарбия ва спорт машқларини тез ва соз бажариш юзасидан ўзаро баҳс юритдилар.

Умумий баллар сарҳисоб қилинганида Учтепа тумани вакиллари махсус нормативлар бўйича мусобақа ғолиблигини қўлга киритганликлари маълум бўлди. Юнусобод тумани боғча болалари фахрли иккинчи ўринни банд этишган бўлса, сергелилик спортсевар жажжилар учинчи бўлишди.

Ғолиб ва совриндорларга Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашлари, Учтепа туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: жажжилар мусобақаси ана шундай қизиқарли ўтди.**

**Маҳаллалар қадим-қадимдан шарқона яшаш, миллий урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган пурҳикмат жой бўлиб келган. У кишиларни иймон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, элу-юрт юмушига камарбаста, Ватанга садоқатли тарзда тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этган. Тўй-маъракалар бошида маҳалла оқсоқоллари, энг нуфузли кишилар турган. Маҳалланинг саранжом-саришталиги, аҳолининг тинч-осойишталиги, оилаларнинг мустаҳкамлиги ҳам ҳамиша уларнинг эътиборида бўлган.**

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Юнусобод тумани, 15-мавзеда жойлашган Аҳмад Дониш маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Лобар опа Тўхтаева шу тумандаги Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази директори Раъно опа Турсунова билан шартнома тузиб, ўзаро ҳамкорликда қилинадиган ишларни бошлаб юбордилар.

Маълумки, ёз фаслини болажонларимиз интизорлик билан кутадилар. Уларнинг таътил кунлари шу фаслга тўғри келганлиги ҳам бежиз эмасдир. А.Дониш маҳалласи ва ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Ўйинлар мамлакатида» мавзусидаги тадбирдан ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланди.

Гимн садолари остида бошланган ушбу тадбирда Ватан, она юрт, ёз, спорт ҳақида шеър ва қўшиқлар янграseverity. Тадбирга 97, 258-мактаблар қошидаги оромгоҳлар болалари ҳам таклиф этилди. Иштирокчилар қизиқарли спорт мусобақаларида 8 та шарт бўйича ўз билимлари, чаққонлик ва зукколикларини синадилар.

Тадбирда 100 нафардан ортиқ болажонлар иштирок этишган бўлса, ғолибларга А.Дониш маҳалласи томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундай ҳамкорликдаги тадбирлар кўпроқ самара бериши тажрибада синалди.

**Мавлуда АБИЛОВА**

# АТРОФ-МУҲИТ БЕҒУБОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва табиатга етказадиган салбий таъсирини камайтириш, экологик вазиятни барқарорлаштириш мамлакатимизда олиб борилаётган экологик сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир. «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун, 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.**

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламда иш олиб боривпти.

Пойтахтимиздаги Сув таъминоти, канализация, гидротехник иншоотлар ва инженерлик гидрогеологияси (Сувгео) илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш масалаларига бағишланган семинарда шу ҳақда гап борди.

Олимлар, мутахассислар, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари бошқармалари вакиллари иштирок этган тадбирда юртимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди, ижобий тажрибаларга эътибор қаратилди. Табиат муҳофазаси билан боғлиқ янги меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ПОЙТАХТЛИКЛАР МАМНУН

**Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида пойтахтимиз ва вилоят марказларида анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Шаҳар аҳолисининг талабларини инобатга олиб уюштирилаётган бундай ярмаркаларда сирдарёлик миришкорлар ҳам ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқда.**

Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги Оқтепа, Ибн Сино, Эскижўва мавзеларида ярмарка ташкил этган Сирдарё вилояти деҳқонлари қовун, тарвуз, олма, узум, гўшт, тухум, асал каби 32 хил маҳсулотни пойтахт аҳлига пешма-пеш етказиб бермоқда. Бу маҳсулотлар бозор нархидан 10-15 фоиз арзон нархларда сотиляпти. Шу кунга қадар истеъмолчиларга 250 тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

**Д.ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан «SHERXAN-JALOL» масъулияти чекланган жамиятига 2004 йилда берилган ХШ 013853 рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


2005 йил 27 августдан бошлаб

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ**
**«ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»**
**Катта халқаро байрам дастури**
**Дастурдан:**
**ўргатилган кучукчалар,**
**маймунчалар,**
**каптарлар билан фантазиялар,**
**илон ўргатувчи бўғма илон билан,**
**чавандоз йигитлар ва**
**бошқа кўплаб иштирокчилар**
**ҳамда қизиқарли томошалар**
**ўрин олган.**

***ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!***

**Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**


*Бу — қизиқ*

# ЭЧКИ ҚАТЛ ЭТИЛДИ

● Саудия Арабистонидаги Сакака шаҳрида яшовчи бир киши эчкисининг номи бутун мамлакатга тарқалди. Сабаб: Саудияда чиқадиган «Араб Ньюс» рўзномасида ёзишларича, кимдир шу эчкининг сути шифобахш эканлиги ҳақида гап тарқатган. Ўшандан бошлаб эчки эгасининг уйи олдида минглаб касал одамлар тўпланадиган бўлди. Ҳатто мамлакатнинг чекка қишлоқларидан ҳам дарди бедаволар келишарди. Бу кўриниш шаҳар ҳокимларига ёқмади, улар бунга чек қўйиш учун эчкини қамоққа олдилар. Сўнг қози бу эчкини ўлим жазосига ҳукм қилди ва минглаб одамлар олдида ҳукм ижро этилди.

# ВЕНГРИЯ БИРИНЧИ ЎРИНДА

● Римнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар илмгоҳи (ИСПЕС) тарқатган маълумотларга қараганда, ҳар йили дунёда 4 миллион киши ўзини ўлдиришга уринаркан.

Оврупода ўз жонига қасд қилиш жиҳатидан Венгрия биринчи ўринда бўлиб, бу ерда 1 миллион кишига 361 ҳодиса тўғри келади. Ундан кейин Дания (251), Австрия (235), Швейцария (229) туради. У ерда бир миллион кишига 70 та ўзини ўзи ўлдириш ҳодисаси тўғри келади. Қўшма Штатларда аҳоли ўлимига сабаб бўладиган воқеалар орасида ўз жонига қасд қилиш тўртинчи ўриндадир.

ИСПЕСнинг таъкидлашича, иқтисодий ўлишнинг сабаблари турлича, ёлғизлик, бедаво дард, маъносиз яшаш.

Эркаклардан кўра аёллар ўзларини кўп ўлдираркан.

# ЧАЁНЛАР БИЛАН БИР ОЙ ЯШАМОҚЧИ

● Индонезиянинг Бандунг шаҳрида яшовчи 42 ёшли Цепап исмли киши Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га ўз номини киритиш учун роппа-роса бир ой чаёнлар билан бирга яшашга қатъий қарор қилди ва бу қарорини бажаришга киришди.

Жакарта савдо марказларидан бирида кишилар кўз ўнгига қўйилган катта шиша идишда Цепап ана шу заҳарли жониворлар билан 10 кундан ортиқ яшамоқда. Гўё у чаёнлар билан 5 ёшиданоқ дўстлашиб кетган эмиш. Унинг фикрича, агар чаёнларга зарар етказилмаса, улар ҳам ҳужум қилишмас эмиш. Цепап бу сўзини исботлаш учун одамлар кўз олдида чаёнларни ҳовучлаб бошига қўяди ва томошабинларни ҳайратга солади.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Шайх Саъдий айтади:

— Танини эркалатиб семиртириб юборган танпарвар кишидан ҳунарли киши чиқмайди, ҳунарсиз киши улуғликка муносиб эмасдир.

— Мард кишилар саъй-ҳаракат, меҳнат қилиб мақсадларига эришадилар. Эй ҳунарсиз киши, сен фақат нафсингни парвариш қилиш билангина қаерга етишмоқ истайсан?

— Энг аввал либосга белги, нишон қўйдирган ва бармоққа узук таққан киши Жамшид подшоҳ эди.

Ундан:

— Нима учун ҳамма оройиш, зебу зийнатни чап қўлингга бердинг? Ҳолбуки, фазилат ўнг қўлдадир, — деб сўрадилар. Жамшид уларга:

— Ўнг тарафнинг ўнглик зийнати ўзига кифоя қилади, — деб жавоб берди.

— Бир улуғ одамдан:

— Ўнг қўлнинг фазилатлари жуда кўп бўлса ҳам, нима учун узукни чап қўлга тақадилар? — деб сўрадилар. У айтди:

— Билмайсизларми, илм аҳли доимо дунё зийнатига унча илтифот қилмайдилар.

● Қалби пок ота — пок авлод асосчисидир.

● Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабидир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шуҳрат келтиради.

● Яхши либос ҳуснни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат, худбин, қўрқоқ ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир донишманд дебди:

— Сафол жомнинг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукаммал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермади. Эндиликда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукаммал бўлади.

Байт:

**Кимки ўрганишни**
**уят -ор демас,**
**Сувдан дур топади,**
**тошдан лаъл олмос.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЯХШИЛАР САФИ КЎПАЯВЕРСИН

Ҳар куни таҳририятга маслаҳат сўраб келувчилар, телефон қилувчилар кўп бўлади. Бунга ўрганиб ҳам кетганмиз.

Кунларнинг бирида хонамга қадди-қомати келишган, ёши 18-20 лар атрофидаги бир қиз кириб келди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, келинг ўтиринг қизим, — ўтиришга жой кўрсатдим.

— Раҳмат. Менга Зийрак бобо керак эдилар, — ийманибгина гапирди қиз.

— Зийрак бобо мен бўламан. Тинчликми қизим?

Қиз бироз жимиб қолди-ю, сўз бошлади.

— Бир масалани ечишда сизнинг ёрдамингиз керак эди-да.

— Эшитаман. Сўзланг-чи.

— Раҳмат бобожон. Ҳозир мен сизга сўзлаб бермоқчи бўлган воқеа туфайли зора муаммо барҳам топса. Жилла қурса кўнглим ёзилади-ку.

Икковимиз ҳам бир оз жим қолдик. Қиз аста-секин ҳикоясини бошлади.

— Ўзим Тошкент Давлат педагогика университетида таҳсил оламан. Ота-онам ўқитувчи бўлгани учунми, болалигимдан шу касбга меҳр қўйганман. Табиийки, ҳар куни ўқишга бориб келаман. Аммо, кунларнинг бирида дарсдан чиқиб бироз кутубхонада китоб мутолаа қилмоқни ният қилдиму, хатога йўл қўйганимни кейин тушундим. Қиш пайти бўлгани сабабли ҳам кутубхонадан кўчага чиққанимда қош қорайиб қолган экан. Метро бекатига қараб юрдим. Ерлар оппоқ қорга бурканган бўлсада атроф зим-зиё зулмат. Таваккал қилиб кетяпман. Ер ости йўлидан ўтаётганимда иккита беўхшов безори йигитларга дуч келиб қолдим. Бири ёнимга келиб соат сўради. Вақтни айтдим. Лекин иккинчиси дабдурустдан қўлимдан ушлаб «Биз билан бирга бўлмайсанми, жонон қиз?» дея гап отди. Қўрқиб кетдим, мени қўйворишларини илтимос қилдим. Қани энди гапимни инобатга олишса. Мени икковлашиб судрай бошлашди, дод солгандим, бири қўли билан оғзимни ёпди. Нима қилишимни билмайман, фақат йиғлайман. Ана шу пайтда бизга қарама-қарши тарафдан келаётган бошқа бир йигит тўхтади-да, безорилардан мени қўйиб юборишларини талаб қилди. Улар эса «Йўлингдан қолма оғайни, бўлмаса сени ҳам таъзирингни берамиз» дейишиб яна мени судрай бошлашди. Ана шунда ғалати воқеа юз берди. Безорилардан бири қорнига теккан қаттиқ тепкидан инграб юборди-ю, ерга шилқиллаб йиқилди. Иккинчиси дарҳол мени бўшатиб тирақайлаб қоча бошлади. Бир қувонаман, бир қўрқаман. Яхшиям халоскор йигит бор экан деб ўйлайман. Шуниси қизиқки, метрода ҳам халоскорим билан бирга кетдик. У мени кўчам бошига қадар кузатиб келди-ю, ортга қайтди. Хайрлашиш олдидан.

— Исмингизни айтсангиз бўларди. Сиз каби паҳлавон, мард йигитлар эртаклардагина бўлади, деб ўйлабман. Раҳмат сизга, — десам нима деб жавоб қайтарди денг отахон. «Исмимни билмоқчи бўлсанг, майли билақол. Исмим Насриддин Афанди. Мен ўз бурчимни бажардим. Шу боис миннатдорчилик билдирмай қўяқол. Фақат бундан кейин кимсасиз ерда, қоронғида юрмагин хўпми?» Халаскорим кетиб қолди. Ҳозир бу воқеага тўрт ойдан ҳам ошди. Неча марта шу яхши йигитни учратармиканман, уйдагиларга таништирармиканман, деб шаҳарнинг ҳар ерини кезиб чиқдим, нохуш воқеа содир бўлган ер ости йўлига ҳам бориб келдим. Ҳамон у яхши йигитдан дарак йўқ. Шу туфайли газетада бу воқеани сўзлаб берсам, балки ўзини танитар деган ниятда ҳузурингизга келгандим бобо.

Қиз билан узоқ суҳбатлашдик. Меҳр-оқибат, одамийлик, камтарликнинг улуғ фазилатлар эканлигига кўплаб мисоллар келтирдик. Ва амин бўлдикки, яхшиям бу дунёда халоскор йигитга ўхшаганлар кўп. Ана шундай инсонлар туфайли ҳаёт гўзал, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч. Оламда яхшиларнинг сафи янада кўпаяверсин.

## ХАТОСИНИ ТУШУНДИ, АММО...

Ёз кунларидан бирида қадрдоним Соливой билан шаҳар айланмоқчи бўлдик. Ўғлим «Нексия»ни дарҳол ўт олдирди. Фахримиз — пойтахтимизнинг энг хушманзара ҳудудларини, кўчалару, хиёбонларни, турар жой биноларию осмонўпар, пурвиқор иншоотларни яна бир бор кўздан кечирдигу Истиқлолнинг буюк неъмат эканлигига иймон келтирдик. Чунки шаҳримиз ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида янада гўзаллашди, қурувчилар томонидан бунёд этилган йўллар, кўприклар, спорт иншоотларию, меҳмонхоналар, хиёбонлар шаҳримиз кўркига кўрк, салобатига салобат қўшиб турибди. Хуллас таърифига тил ожиз. Аммо ҳозир гап бошқа ёқда. Дўстим Соливой, «қўшни туманда яшайдиган» жиянимни ҳам кўриб келайлик, илтимос», — деб туриб олди. Хуллас кетдик. Соливойнинг жияни пойтахтимизга чегарадош туманда истиқомат қиларкан. Шаҳар ташқарисига чиқарканмиз кенг далалару яйловлар, токзорларни кўриб яна қувончимизга қувонч қўшилди. Бироқ, Соливойнинг жияни Муҳсимжоннинг қилаётган иши кайфиятни чунонам расво қилдики, асти қўяверасиз. Муҳсимжонларнинг кўчаси кенг, равон бўлиб, атрофига мевали, манзарали дарахтлар экилган. Бу ерда тутдан тортиб ёнғоққача, ўрикдан тортиб тераккача, ҳатто улкан чинор ҳам бор экан. Муҳсимжон эса негадир, болаларини ёнига олиб қадимий дарахт чинорнинг тагини кавлаяпти.

— Нима қиляпсан? — сўради Соливой салом-аликдан сўнг.

— Чинорнинг сояси ёмон бўларкан, бирам қалинки, тагига экин эколмайман. Шу боис қўпориб ташламоқчиман, — бамайлихотир жавоб берди Муҳсимжон.

— Кесмайсан, жиян, — тушунтира кетди Соливой, — ахир бу камида минг йиллик дарахт, ота-боболарингдан мерос.

Ана шу масала бўйича тоға-жиян роса тортишишди. Камина ҳам чинорнинг фойдали томонлари ва унинг ноёб дарахтлар қаторидан ўрин олганлиги ҳақида мисоллар билан сўзлаб бердим. Бундан ташқари кўчада экилган чинор дарахтини рухсатсиз кесиш мумкин эмаслиги, нафсни тиймоқ иймондан эканлиги ҳақида гапирганимда Муҳсимжон ҳовридан тушди. Ва чинорни кесмасликка сўз берди. Аммо энди кеч бўлган, чунки чинорнинг илдизига болта теккан эди. Шунда ҳам илдизини яна ерга кўмишга ваъда берди. Зора, ушбу ноёб дарахт яна қайтадан кўкариб кетса.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**20 АВГУСТ, ШАНБА**

**Мунажжимлар бугун ҳар биримизга ёқимли ва фойдали харидлар ва бошқа яхшиликларни ваъда қилишади. Бошқа соҳаларда ҳам тақдир сизга тўла эркинлик бахш этади. Гўзаллик ва муҳаббат сайёраси Зуҳронинг босиқ-вазминлик сайёраси билан Сатурн қувватларини боғловчи ўзаро уйғун, мадад берувчи вектори шундан дарак беради.**

Қуёш тақвими бўйича учинчи кун рамзи оилангиз ва уй-рўзғор ишларига эътибор қилиш лозимлигини эслатади. Бугунги кун турар-жой бинолари қурилишини бошлаш, йирик пул амалиётлари ва умумий моддий неъмат билан боғлиқ барча ишлар учун самарали бўлади. Лекин бугун никоҳни қайд этишни бир оз орқага суриб турганингиз маъқул. Дуч келган киши билан мулоқотда бўлишдан, бегона таъсирлардан эҳтиёт бўлиш, уруш-жанжаллардан нарироқ юриш керак.

Тўсатдан соатнинг тўхтаб қолиши ёки калит йўқолиши бугунги куннинг ёмон аломатларидан ҳисобланади.

**БУГУН:**

-сафарга, хизмат сафарларига чиқиш, саёҳатларга йўл олиш;

-кийим-кечак, китоблар, атир-упа, мебель, тансиқ ширинликлар, уруғлик, ўғитлар сотиб олиш;

-интеллектуал меҳнат, севган ишингиз билан шуғулланиш;

-боғ ва экинзорларни тартибга келтириш, уйда ва иш жойида файз бўлишига эришиш;

-уй ҳайвонларига ғамхўрлик қилиш;

-оила даврасида, яқин кишиларингиз билан бирга дам олиш тавсия этилади.

Жуда арзон баҳода учраган нарсаларни харид қилишдан эҳтиёт бўлинг.

**21 АВГУСТ, ЯКШАНБА**

**Бугун тўлин ой куни. Мунажжимларнинг айтишича, у астрал ва жисмоний тана ўртасидаги ҳамоҳанглик, адолат, мувозанат тамойиллари билан боғлиқдир. Шу куни барча жисмоний машқлар фойдали бўлади. Ҳамоҳангликнинг ҳар қандай бузилиши организмда эски ҳолатига қайтариб бўлмайдиган жараёнлар рўй беришига олиб боради. Бақир-чақир, дағаллик бугунги кундан истисно этилиши керак. Осойишталикка риоя қилиб, ички сокинлик ва фароғатга раҳна солманг.**

Бугун аломатларга унчалик эътибор берилмайди.

Кўрган тушларингиз агар ёрқин ва тушунарли бўлса ўнгидан келади ва тез орада ўзингиз уларнинг гувоҳи бўласиз. Тушда сут ёки мевани кўриш жуда яхши аломат ҳисобланади – улар омад ва бахт белгисидир.

**ЯКШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

-муҳим янги ишни бошлаш;

-хизматга оид ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш;

-олижанобликни намоён этиш, ёрдам қўлини чўзиш;

-болалар муассасалари ва ўқув юрт ходимлари билан мулоқотда бўлиш;

-ўз касб маҳоратингиз ва бадиий дидингизга таяниш;

-атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдиришга интилиш;

-театр, музей, кўргазмага ташриф буюриш тавсия этилади.

Асаб тизими ва товуш пайларини зўриқтириш, ўзингиз билмаган дори-дармонлар, шубҳали спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, болаларни қаровсиз қолдириш ман этилади.

**22 АВГУСТ, ДУШАНБА**

**Мунажжим Лидия Неведомскаянинг гувоҳлик беришича, бу душанба фаол астрологик фонга эга. Алдаш ёки ёлғон ахборот тарқатишга уриниш оқибатида кўққисдан жанжал чиқиб кетиши ҳеч гапмас.**

Бутун ҳафта шов-шувли фош қилишлар билан ўтиши мумкин. Сайёраларнинг мунажжимлар "тау-квадрат" деб атайдиган тарзда жойлашиши бунга сабаб бўлади. Ҳозир "тау-квадрат"га Нептун, Марс, Меркурий ва тунги Ой кириши гиёвандлик билан боғлиқ жанжал-можаролар ҳамда ҳақиқий тижорат ва муҳаббат сирларини ёлғонлар ва сохтагарликлардан фарқлаб олиш мақсадида жанглар юзага келиши мумкин.

**ДУШАНБАДА:**

-ишлаб чиқаришга оид ва ҳаётий муҳим бошқа муаммоларни ҳал этишга диққатни жамлаш;

-ноанъанавий ечимларни талаб қиладиган муаммолар билан шуғулланиш;

-ҳар қандай вазиятда босиқлик ва оқиллик билан иш кўриш;

-бошқалар ёрдами талаб қилинмайдиган вазифаларни ҳал этишнигина мақсад қилиб қўйиш;

-жисмоний куч-қудрат талаб қилувчи спорт турлари ва меҳнат билан шуғулланиш тавсия этилади.

Куч ва маблағларни сарфлашда зиқналикни, шубҳа ва иккиланишларни намоён этиш, бошқаларнинг заиф томонлари ва нуқсонларига ҳазар билан қарашни маслаҳат бермаймиз.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709.

1 2 3 4 6